

Kitob duniyosi



Маънавий-маърифий, адабий-бадний, ижтимоий-сиёсий газета

№ 7 (296)
2019 йил 10 апрель
Газета ҳар ойнинг
иккинчи ва тўртинчи
chorshanbasida chop
этилади

Агар ҳали ҳам газабланаётган бўлсанг, демак, ўзинг билан бўлган курашинг тамом бўлмабди.
Агар ҳали ҳам хафа бўлаётган бўлсанг, демак, кўнгли уйининг гиштлари мустаҳкам бўлмабди.
Агар ҳали ҳам (бировларни) айблаётган бўлсанг, демак, фикрларинг етарлича тиниқлашмабди.
Агар ҳали ҳам эвасиз севолмаётган ва севингдан ажралаётган бўлсанг, демак, ҳали ҳам ақл ва мантигингни қўллаб, ичингдаги севгининг камол топишига тўсқинлик қилмоқдасан.
Агар ҳали ҳам «мен» демоқдан воз кечолмаётган бўлсанг, демак, тизгинларинг ҳали ҳам нафсингни қўлида ва сен бу тутқунликка бўйин эгмоқдасан.
Агар ҳали ҳам мусибатлардан ғамгин бўлаётган бўлсанг, демак, асл моҳиятни англаб етмабсан.
Ва агар ҳали ҳам шикоят қилаётган бўлсанг, демак, ҳақиқатни кўролмабсан...



Адабиёт қачон ўлади? Хўш, ўзи у тирикми? Бор бўлганми? Бу саволлар хатто Ҳомер замонидан ҳам долзарб эди ва бугун ҳам уларнинг тириклиги кишини қувонтиради. Шахсан мен қўлимга калам олган кунимдан буён ёзганларим кимгадир фойда берармикан, деб ўз-ўзимга савол бераман.

2-бет



Хадича кетди кўнглидан ҳаловат ҳам кетди. Уй бамисоли ўлик чиқсандай хувиллайди. Пўлвоннинг юраги торикди — уйни тарк этди, бокка олиб тушадиган княликдаги бобо-сидан қолган ертўлани ўзига бошпана қилди.

2-бет



Мана, орадан ўттиз йил ўтибдики, ҳамон ўша савол ҳар кунни берилди. Энди бу сафар савол романларнинг киркдан ортиқ тилларга ўгирилиши билан боғлиқ.

7-бет



Ўй-хаёл бошқа ёқда эди. Тезроқ зўр бир нарса ёзиб, ҳаммани қойил қолдирсак! Барно-барно талаба қизлар шеърларимизни тинглаб чарчамаса, қўлгиналари чапак чалиб толмаса!

2-бет

Эҳтимол, бахтлимиз, хабаримиз йўқ...



Рамиз РАВШАН,
Озарбойжон шоири

АЙРИЛИК

Яна бу шаҳарда юзма-юз келдик, Наилож, бошқа бир шаҳаримиз йўқ. Балки биз бахтиёр бўла олардик. Эҳтимол, бахтлимиз, хабаримиз йўқ. Орадан, о, қанча йил ўтиб кетди. Танайма қолибман кечиргин мени. Уйлардим мен сенсиз ўлиб қоламан, Мен сенсиз ўлмадим...

Кечиргин мени. "Ўлмадим," — дейману, бу сўз кўп оғир. Ўлиб бўлгандирман балки мен сенсиз. Қабрсиз, кафансиз ўлганман аниқ. Улимдан оғирдир ахир айрилиқ. Балки биз ўшанда айрилмасайдик. На мен аввалгилман, на сен эндиги. Айрилдик, шайтонни қолдирдик у дам. Бу йилу, бу ойнинг бу кунидидаги. Мана бу кўчада учрашиб турган, Мени ҳам, сени ҳам ўлдирдик у дам. Ён-агроф туладир одамлар билан, Кўл ушлашган эркак-аёллар ўтар.

Ўзидан беҳабар хаёллар билан, Ўзини ўлдирган одамлар ўтар. Ўтар ўз қонига ботган одамлар, Ҳолбуки, қон қани? Оҳ-воҳлар йўқдир. Ҳамма гуноҳкорлар дунёда, аммо Дунёда ҳеч кимнинг гуноҳи йўқдир. Бизсиз ёзилмишдир бу толе, бу бахт, Сопқондан отилган бир жуфт тошмиз биз. Балки бу дунёда ўн-ўн беш йилмас, Минг йилдан кўпроқдир айрилгимиз. Биз йўлда адашиб кетдик ногаҳон, Бир манзилни қўлаб йўлга чиққан он.

Фироқда яшаймиз минг йилдан буён, Минг йиллик хаюга бўлганмиз қурбон. Эҳтимол, алмашиб қолган қиш-баҳор, Эҳтимол, алмашган қишлоғу шаҳар. Балки, ўз қорнида ўғай оналар Ўғай болаларни кўтариб юрар. Балки, бошдан оёқ ёлғондир умрим, Балки, толейим ҳам аслида ёлгон. Ҳов йўлдан ўтган қиз онамдир балким, Балки, ўғлимиздир анави ўлгон. Бу ёлгон умримда сен ўзи кимсан? Балки, севгимиз ҳам бўлмагандирсан? Балки, онамдирсан, опам, бувимсан.

Бир Оллоҳ билди — Сен кимсан, кимсан? Бизни ким кўтқариб олар фироқдан? Оҳимизга етар на само, на ер, На ўлик, на тирик. Аммо йироқсан, Кел, ҳеч йўқ, ўпаман. Қўлларингни бер! Дейсанки, мурдаман. Мени ўлмагин, Кафтларим ичида совуқ ер қўлинг. Дейсан, раҳминг келсин, мени ўлмагин, Қўлимдан ҳидлари келар ўлимнинг.

Озарбойжончадан
Хосият РУСТАМОВА
таржимаси

ШОИР БЎЛИШ УЧУН ШЕЪР ЁЗИШ ШАРТ ЭМАС



Гекё МАРИНАЙ,
америкалик шоир ва таржимон,
Техас университети ўқитувчиси,
фалсафа фанлари доктори,
замонавий Америка шеърятининг хозирда хаёт бўлган ўн нафар энг яхши шоирларидан бири

— Сиз учун шеърят нима?
— Бу саволга ҳамма ўздан келиб чиққан ҳолда жавоб беради. Шеърятнинг аслида нима эканини ўқувчи ҳам, шоир ҳам ҳал қилмайди. Вақт — олий ҳакам. Илмий тарафдан олганда, шеър ва унга хос оҳанг ҳар бир инсоннинг генида бўлади. Санъатнинг барча турларида, хусусан, тасвирий санъат, мусиқа, архитектура ва шаҳарсозлик, ҳатто бугун юзага чиққан техникага оид санъат турларида ҳам назм изларини кўришингиз мумкин. Хаёлингизга бирон нарса яратиш, бирон янгиликни ўртага ташлаш фикри келдики, демак, кўнглингизда шеърят буй кўрсата бошлабди. Умуман олганда, шоир

бўлиш учун шеър ёзиш шарт эмас. Асосийси — руҳият. Мен учун шеърят хаётнинг энг тиниқ кўзгуси. Фақат унга қалб кўзи билан боқмоқ керак.
— Сизнингча, ёзолмай қолиш нима?
— Биз ғарблиқлар бунни ижод қобилиги, деб атаймиз. Бундай қобилик, ҳатто энг буюк ёзувчиларимизда ҳам юзага келиши мумкин. Менимча, бу бўшаб қолган сўздон — юракнинг яна бир тўлиқлиги олиш палласи бўлса керак. Фолкнерга нега ёзмайсиз, деб савол ташлашганида у, мен қувват йиғилман, холос, деб жавоб берган экан.

4-бет

Назар Эшонқул... Ёзганлари каби самимий инсон, замонавий адабиётимизнинг устунларидан бири. Асарлари орқали аллақачон халқимиз кўнглидан жой олган, чин маънода руҳият тарбиячиси. Куйида севимли адабимиз билан қисқа суҳбатни хавола этмоқдамиз...

БОЛАЛИК – ШУДГОРГА ТАШЛАНГАН УРУҒГА ЎХШАЙДИ

— Назар ака, ёзувчининг ёзувчи бўлиб шаклланишида, у туғилган макон ва унинг болалиги қандай ўрин тутади?
— Истеъдод туғилмайдиган жойга қараб дунёга келмайди, "макон"га қараб катта ё кичик бўлмайди. Истеъдодлар, даҳолар даврининг ва халқнинг ботиний орзу-истаги, ботиний майллари, ботиний қуввати ўла-роқ дунёга келади, халқ даҳони яратиш учун асрлар оша ўзида қувват йиғади, шу қувватни намоён қилиб даҳо туғилади. Шу маънода туғилган макон ҳам, муҳит ҳам буюк истеъдодларнинг дунёга келишида муҳим ўрин тутади. Битта даҳони юзага чиқариш учун бутун жаҳият хизмат қилиши керак. Ана шунда даҳо буюк ишларга қодир бўлади. Аммо бу гап фақат даҳоларга тааллуқли. Агар ёзувчи даҳо бўлса, бу унинг эмас, аввало, у туғилган, киндик қони тузилган "макон"нинг даҳолигини билдиради (ўзини даҳо ҳисоблаётганларга бу гапларнинг алоқаси йўқ).
— Болалик — шудгорга ташланган уруғга ўхшайди. Агар яхшилаб парваршиш мислини, албатта, ҳосил оласиз. Агар муҳит қуроқчиликдан иборат бўлса ёки вақтида ўғитини олмаса, умуман, парваршиш сусти бўлса, "ҳосил" ҳам шунга яраша, уруғи пуч, таъми таҳир, тош босмайдиган, "палагда" бўлади. Палагда истеъдодлар палагда асарлар яратади. Бугунги кунимизнинг энг катта фожиаларидан бири — палагда истеъдодлар кўпайиб кетганда.
— Ёлғизлик-чи? Ёлғизлик одамзодга хос хусусияти?
— Ёлғизлик — истеъдоднинг тўшаги, у ёлғиз пайтигина олий руҳ билан боғлана олади, суфий бобола-

римиз айтгандай Руҳ билан яхлитлаша олади. Бунга даҳо ижодкорлар ҳаёти гувоҳ.
— Ёзиш нима? Ёзолмай қолиш-чи? Бу жараёнлардаги Сизнинг иштирокингиз? Илҳомни мажбурлаб қаҳириш ёки кутиб туриш каби ҳолатлар ҳақида сўрагим келяпти...
— Ёзиш, яъни чинакам СЎЗ ёзиш — илоҳиёт билан уйғунлашиш, боғланиш, уланish. Ёзолмай қолиш — бу шу боғланишдан маҳрум бўлиш. Ёзиш завқини бошдан кечирганлар учун ёзолмай қолишдан ортиқ фожиа бўлмайди.
Умримнинг аксар қисми ана шу "маҳрум"лик маҳдудлигида ўтди. Бу ношукрлик эмас. Бизнинг авлод яшаш учун умримизнинг аксар қисмини тирикчилик қозониға "ўчоқ қовлаб" ўтказдик. Гап шу ҳақда.
Илҳом ўздан ўзи келмайди, "оти"ни айтиб чақирмасангиз, йиллаб сизга қайрилиб қарамайди ҳам. Илҳом бетиним фикр излаш, бетиним ўрганиш, бетиним кузатиш, бетиним мутулоа қилиш (ёзувчи учун) орқасида ётади, ана шу машаққатлар унинг "исми"дир.
— Ёзувчининг моддий ва маънавий эҳтиёжлари ижодида қирини берадими?
— Ёзувчининг ёзгани унинг паспорти. Асари ёзувчи ҳақидаги ҳамма нарсани фош қилади: унинг кучли жиҳатию заифлигини, эркинлигию илинжини, шахс ёки шахсизлигини, ҳаммасини. Ҳатто қорни тўя бошлаганини ҳам...
— Назар Эшонқул — мен яхши кўрган ёзувчи! Ўқувчи сифатида ҳам ўрнакми, яъни ўқишга ҳар доим ҳам вақт топа оласизми?

— Ўқимай қўйсам — фикрлашдан тўхтаб қоламан. Менга шундай туюлади. Болалагимда китоб қанчалик оҳанрабо бўлса, ҳозир ҳам шундай. Фақат энди болалиқдаги каби тўғри келгани эмас, саралаб, ўзимга кераклигини, эҳтиёж сезганимни ўқийман. Эҳтиёж бўлмагани ҳам беэътибор қолдирмайман, муқовасини ўқийман.
— Шу кунларда ёзилаётган асарларингиз ҳақида гапиришингиз мумкинми?
— Ёзилапти. Насиб қилса, бирга ўқиймиз...
— «Китоб дунёси» ўқувчиларига нимадир дегингиз келса, бажонидил...
— Бугунги дунё "ёввойи" ё "маданий"ларга эмас, китоб ўқиган ва ўқимаганларга бўлинапти. "Ўқиганлар" ва "ўқимаганлар" ҳар бир жабҳада ўзини кўрсатяпти. Мен «Китоб дунёси» ўқувчиларига китоб, мутулоа завқи тарқатмаслигини тилайман. Ана шу завқ бор экан, биз инсон эканлигимизни, кўнглимиз тириклигини ҳис қилиб тураемиз.



Назар ЭШОНҚУЛ

САМОДИЛ СУҲБАТЛАШДИ

ШОИР БЎЛИШ УЧУН ШЕЪР ЁЗИШ ШАРТ ЭМАС

(Давоми. Боши 1-бетда)

Албатта, қувват йиғишдан аввал инсон руҳида аллақандай бўшлиқни ҳис қилиши ва тушунлиққа тушиши бор гап, аммо бу вақтинча. Шундай ҳолатлар бўладики, қалбинг ва онгинг оппоқ қозоқдек туюлади сенга. Айнан уша пайт сенда ёзув столинг устидаги қоралашингни кутиб турган бўш саҳифаларга нисбатан кўрүк ва нафрат пайдо бўлади. Тунлардан бир тун уйқунг келмай айвонга чиқсан ва сўзлар руҳи-жонинга оқиб кира бошлайди. Дафтарингни тополмай қолсан ва ошқонадаги қозоқ сочиқларга бўлса ҳам ёза бошлайсан. Саҳифа қорайгани сари умрингга мазмун кириверади. Сен ёзсан! Агар бирон танглик бўлмаса, умиднинг қадри қолмаган бўларди. Айнан умид бизни ёзмаган пайтимизда тирик ушлаб туради. Кун келади, тўйиб ёзаман, деган маъсуминга на умид. Тушунтира олайманми?



Гекё Мариннай рафикаси Дусита хоним билан

дан эстетикага ҳам ўхшаб кетади, бироқ унда фақат биттагина фикрга ўрин бор. Эстетика ва фалсафанинг бошқа тармоқларида сиз хоҳлаганича қилип ясайверасиз. Шахсан мен бунга тўғри деб ҳисобламайман.

Протонизм – яъни индивидо-универсаллик назарияси бугунги шиддатли замонамиз учун айнан кераклик оқим.

– Бугунги кунда жаҳон адабиётининг умумий аҳволи қандай? Унда бирон ўзгаришни сездингизми? У бугун нималарга муҳтож?

– Унинг асосий камчилиги таржима! Бугун жаҳон адабиёти у қадар қайнаб-тошаётгани йўқ, негаки асримиз ҳали ёш. Ер юзининг турли бурчларида турли миллатга мансуб шоирлар чин маънода йигирма биринчи аср позициясини яратиш учун тер тўкишпти, аммо ҳали мен бирон ўзига ҳосликни кўрганам йўқ. Эҳтимол, бунга сабаб мен уларнинг ижод намуналарини ўқимаганимдандир? Дарҳақиқат, шундай.

Бугун таржима соҳаси жар ёқасида турибди. Таржиммага эътибор қаратсақгина адабиётни яна минбарга олиб

чиқишимиз мумкин. Ахир, Маркеснинг Маркес бўлиши учун Америка, Россия, Франция ва бошқа Европа мамлакатларида бутун бошли таржимонлар армияси тер тўккан.

Бундан ташқари, шоирларнинг норасмий бирдамлиги ҳам одамга таскин беради. Шундай йиғилишлардагина биз жаҳон адабиётининг ҳақиқий қиёфасини росмана кўраймиз. Мана, масалан яқиндагина Вьетнамнинг Ханой шаҳрида бўлиб ўтган халқроқ шеърят фестивалини олайлик. Ундан олган таассуротларим дунё қадар. Бундан бор йўғи беш-олти йил аввал шахсан мен учун ўзбек, қозоқ ва шу каби туркий ўқалар шеърятни буткул бегона эди. Камина айнан шу фестивал туфайли шундай дилбар назм дурдоналари билан танишдим. Хусусан, мен Ўзбекистон вақиласининг шеърларида чинакам ўзбек руҳи ва тирик шеърятни кўрдим ва бу чин маънода янгилик бўлди. Шундай шоир ва шеърятни адабиётга туҳфа қилгани учун сэрқуёш Ўзбекистонга раҳмат айтаман. Мен ҳатто ўзбек шоирасининг шеърларидан таъсирланиб бир шеър ҳам қораладим:

Айни ўша дам
Денгизга денгиздан кўпроқ ўхшарди
Энимдаги ўзбек шоири.
Айни ўша дам
Шоирга шоирдан кўпроқ ўхшарди
Теграмда тирилиб келётган денгиз.
Бир сижим чўғ – бир айтим савол:
Денгиз ким эдию,
Шоир ким эди?

Бу ўша шеърдан бир парча холос... Аввалдан албан ва бошқа славян тилларидан таржималар қилар эдим, бугунга келиб эса ўзбек шеърятидан ҳам таржималар қилиш ниятидаман.

Бу нафақат таржимон ва таржима қилинучи муаллиф, балки бутун жаҳон адабиётига фойдали бўлади, деб ўйлайман.

Мирзоҳид АБДУЛЛАЕВ
суҳбатлашди

Гекё МАРИНАЙ

КЎТАРАМИЗ БАРЧАСИ УЧУН!

(Урун қурбонларига бағишланади)
Томирини аямай кесинг,
Лангар қилиб ташланг танамни,
Йўқотишлар чуқурлиги.
Мен қайгулар чақмоғи бўлиб,
Бу кечада тентираб бир-бир
суянаман камон тигига...

Ерга чўккан уйларга боқинг -
Қадрларанг осмон қадар,
Келгунча дунё охири.
Мен сиздаги оловни севдим,
Яраланган елкалар ҳақиқ,
шаробларни тўхаман оғир.

Дарахлар ҳам бўлганча маст,
Ошкор қилар, исзис дунёни
ташлаб кетган аскарлар сирин.
Хаёлларни тўлатинг, худди,
Тулган каби дарё сувлари.
О, йўқликнинг ўлмас хотири.

Кўтарамиз барчаси учун!
Сўз берилар қора кунларга,
чеғаралар ёпилмасидан.
Ўтиб кетган қаҳратон ҳужми,
Ўчиролмас қонли дамларни,
дарахларнинг хотирасидан.

НЬЮ-ЙОРК ОСМОНИДА ИЗ

Орулар яралар илохий,
Шийша беркинган соялар.
О, бизнинг бармоқиз ёзидан,
Коинот кўксини яралар.

Гўёки –
бир киши нафасин ростламай,
Кенгликда югурар тинишсиз.
Бу имкон – жимликнинг эрмаги,
Бу – шовкин жимликка сингши.

Рўҳият яратган кенликлар,
Уйғотгани каби саҳарни.
Вақтдан четта суради бари
Чироқлар сунган шаҳарни.

ОЛОВ ИЧРА

О, ёруғлик...
Яраланди бизнинг севиги нурларингдан.
Муҳаббатга тўла қалблар чўкиб кетди.
Осмон қадар ўсаётган зиналарда,
Қадамларим ўзиб кетди...

Ва лабимда яшайверди айтмас сўзим,
Виждон эса улгаймоқда кунлар сайин,
Хаёлларга сиймас бўлди кўксим ўти,
Хаё тўла қадамларда,
ҳаво тўла тўлқиндайин.

Янги севиги тугилади дунёсида,
Мўжизалар умидида яшаймиз.
Иккимизга оғир келар, буронларни,
Оралатиб қандай қадам ташлаймиз?!

ПРИЗМА

Бармоқларингизнинг койишларидан,
Кўрқан лаблар имлаб қақирса.
Ортингизга қарамайсиз, ва
ёнингизда номаълум кимса.

Кўзларимни оцади бари,
Кўзларимда кўлф борми ё.
Биринчи бор сўзлашганимиз,
Томон олиб кетади хаёл.

Қулогимга пишриллаб ўтган,
Ўтмишимдан кечаётгандай.
Мен шамолга эргашиб сиздан
Узоқлашиб кетаётгандай...

О, ЁЛГИЗЛИК

Бугун туйгуларнинг қанотлари кенг,
Бугун бахтлидайман кечагидан ҳам.
Биламан барибир қай бир сўқмоқда,
Менинг йўлларимни поймаб турар гап.

Хаттоки ўзимга бегонадайман,
Ўтмишимдан кечаётгандай.
Дарддан тўлиб кетган юрак тобора,
танамга сиймайди...

Исминми айтасан, томирларингдан,
Бир томчи қон билан йўллар бошланар.
Ўзини йўқотган изида қайи,
бир изга ташнаман...

О қадим ёлғизлик, қанчалар машъум,
Сенинг тарихларни ошган суратинг.
Кўксимга илган олов тафтидан
Бир куну кунларим қулайди...

ДЕНГИЗ КИМ ЭДИ?

Ўзбек шоири Х.Р га
Турарди соҳилда шоир, мен ва у,
Атрофда изғирди тирик гўзаллик.
Денгизнинг қонлоқд қўлфига шу он,
Тушиб қирсиллади зангири қалит.
Ва яна ёшара бошлади дунё.
Ханой ва яна маъвум теранлик –
Замин қафтадаги икита дельфин
Сирга бўлсин сенинг қулоқларинга.
Мен эса...
Қумлана борғум тобора –
Осмонга узанар қум ришталари.
Ва яна...
Ешарган дунёнинг қароғларидан
Тирилли сатрлар ҳаяжон ичра.
Ахир,
Рўҳимда бир севиң қанот ёйган дам.
Сен шеърлар айтмасанг алам қилмасми?
Тушун,
Бу сукунат,
Бу биллар жимлик
менинг сенга қилган биринчи туҳфам.
сен эса шеър айтмай, шеърлар сўйламай
қоришиблар кетдинг қофияларга...
Айни ўша дам
Денгизга денгиздан кўпроқ ўхшарди
Энимдаги ўзбек шоири.
Айни ўша дам
Шоирга шоирдан кўпроқ ўхшарди
Теграмда тирилиб келётган денгиз.
Энди кўксим ичра сўз борар ёниб.
Бир сижим чўғ – бир айтим савол:
Денгиз ким эдию,
Шоир ким эди?

ИНГЛИЗ ТИЛИДАН ЗУЛУХУМОР

ОРИФЖОНОВА таржималари

Мен 1876 йили Сан Францискода дунёга келдим. Ўн беш ёшимдаёқ ҳаётнинг аччиқ-чуққини тотиб кўрган йилгит бўлиб етишим. Агар қўлимга уч-тўрт чақа тушиб қолса, уларни обақидандонга эмас, май сотиб олишга сарфлардим. Эркак кишига айнан майхўрлик ярашади, деб ҳисоблардим ўша кезлари. Мана, ёшим ўттиздан ошибдики, қайтадан ўсмирга айланб қолишни истайман, негаки ўсмирлик лаззатларидан баҳраманд бўлиш менга насиб этмаган. Ҳаётга ҳам минбаъд аввалгидай жиддий қаролмайман. Яна ким билади, дейсиз, балки ўша умр баҳорига яна дуч келиб қоларман! Ҳаётда энг муҳими масъулият эканлигини ақлимни танганимдаёқ тушуниб етгандим. Хат-саводим қандай чиққанини эслаб олмайдим. Аммо беш ёшимдаёқ ўқиш ва ёзишни билардим. Илк бор Аламедадаги мактаб остонасига қадам қўйганим ҳали-ҳануз кўз ўнгимда. Кейин биз ранчога кўчиб ўтиди ва мен, саккиз яшар болакай ўзимни қора меҳнатга урдим.



Жек ЛОНДОН,
америкалик ёзувчи
(1876–1916)

Менга Матеодаги бир кўрмасизгина бино иккинчи мактаб вазифасини ўтади. У ерда мен кунт билан билимимни оширишга тиривардим. Синфда ҳар биримизга алоҳида парта берилганди. Аммо бу парталар кўнчинча бизга керак ҳам бўлмас, сабаби, муаллимимиз дарсга маст ҳолда келарди. Орамиздан саял ботирироғимиз муаллимнинг жигига тегиб ўйнашар, у ҳам қарздор бўлиб қолмаслик учун ўша ўқувчинни тўтиб олиб, тоза пўстагини қоқарди. Ана энди бу мактаб ҳақида тасаввурга эга бўлгандирсиз?! На туғилганларим, на ёр-дўстларим адабиётга тариқча ҳам қизиқмасдилар. Назаримда, адабиёт оламига катта бобомнинг оз-моз алоқаси бор эди: бу чол тушмагур маъмурий округда қотиб эди, хилват чакалзорларда Инжолни заёқ-шаёқ ила тарғиб қилар, шу боис Патер Жонс лаҳабини олганди.

Болалик чоғларимдаёқ мени одамларнинг жаҳолат ботқоғига ботганлиги ҳайратга соларди. Тўққиз ёшимда Вашингтон Ирвингнинг "Ҳамро"сини зўр иштиёқ билан ўқиб чиқдим ва ранчодагилардан биронтаси бу китоб ҳақида билмаслиги ҳеч ақлимга сиймасди. Вақт ўтиб, бундайин жаҳолат фақатгина қишлоғимизда ҳукм суради, шаҳарда эса ҳаёт умуман бошқача бўлса керак, деган хулосага келдим. Шундай қилиб бир кун ранчоимизга шаҳардан бир киши келди. Бошмоқларига қарасангиз, юзингизнинг аксини кўришганимиз мумкин, энгиде мовут пальто. Маърифатли киши билан суҳбат қилишнинг айни вақти, деб ўйладим. Шаҳарлик меҳмонни ўзимнинг "қасримга" – эски, ярим вайрона қулбамга таклиф этдим ва ундан "Ал-Ҳамро" ҳақида сўрай бошладим. Хайхот, у ҳам ранчо аҳолиси каби жоҳил бўлиб чиқди. Шунда дунёда иккитагина оқил одам бор, улардан бири – Вашингтон Ирвинг, иккинчиси – мен, деган фикрга келдим.

Ўша пайтлар "Ал-Ҳамро"дан ташқари, асосан, ўн центлик романлар (мен уларни батрақлардан сотиб олардим) ва рўномаларни ўқиб чиқардим. Ҳафталик рўномаларда кўпроқ ўзлари қашшоқ бўлса-да, қалблари пок кишилар ҳаёти ҳақидаги аjoyибу ғаройиб асарларни ўқирдим. Бундай мутуолалардан сўнг онгу тафаккурим ўзига хос тарзда такомиллашши

Кўрган-кечирганларим

Эссе

роз бўлиб ёлланам, лосье овладим. Балки ишонмасиз, аммо кейинги фаолиятим денгиз патрулида давом этди. Мен ҳар қандай балиқ овлаш қонунига хилоф иш тутувчи қонунбузарларни қўлга олишим лозим эди. Бундай бузуғунолар – хитойлар, греклар, италянлар ғайриқонуний равишда балиқ овлашар, соқчилар гуруҳи жонларини хатарга қўйишиб, уларни тартибга қўришарди.

Кейин эса бошқа кемага матрос бўлиб ёлланб, Япон денгизи соҳиллари томон сузиб кетдим. У ердан Беринг денгизига ўтиб кетдик. Етти ой давом этган денгиз мушуги овидан сўнг Калифорнияга қайтдим ва турли юмушларга қўл урдим. Кўмир туширдим, портда ҳаммол бўлдим, жут 1 тайёрлайдиган фабрикада ишладим. Фабрикада тонги соат олтидан кеч соат еттигача тер тўкишга тўри келарди. Келаси йил яна денгиз сафарига отланишни кўзлаб қўйгандим. Бироқ кемадаш оғайниларимга қўшилиш насиб этмади. Улар "Мери Томас"да сузиб кетишибди – тақдирни қаранги, кема бутун командаси билан денгиз қарьига гарк бўлибди.

Жут фабрикасида ишлаб юрган кезларимдаёқ ёзишни машқ қила бошлагандим. Фабрикада иш ўн уч соат давом этар, ижод учун вақт жуда оз қоларди. Сан Францискодаги "Колд" ҳафталиги очерк бўйича танлов эълон қилди. Онам мени танловда қатнашишга бир амаллаб кўндирди. Шундай қилиб мен "Япон соҳилларидаги тўфон" сарлавҳали очерк

қарди эди. Ҳар куну уфқ ортига кетиб, дунё кўришни орзу қилардим.

Тушунарсиз галати шивир-шивирлар йўлга отланишимга ундарди. Мен гўзалликка интилардим, бинобарин, атрофида зигирча ҳам гўзалликни кўрмасдим. Тепаликлару водийлар жонимга текканди. Мусофирчиликда юрганимдагина уларни қанчалик севишимни англадим.

Ранчони тарк этиб, Оклендга кўчиб ўганимда ўн бир ёшга эдим. Окленд жамоат кутубхонасида дуч келган китобни ютоқиб ўқиганча, талай вақт ўтириб қолардим. Узоқ вақт давомида китоб ўқиш туфайли ўзимда қандайдир руҳий касаллик аломатларини ҳам сеза бошладим. Уқиган сарим олам сир синоатларидан бохабар бўлиб, хом хаёллардан халос бўлардим. Тиркичилик учун кўчаларда газета сотиб кун кўрардим. Ўн олти ёшимгача қорин қайғусида ўзимни ўққа-чўққа уравердим, ишим ўқишимга, ўқишим ишимга уланб кетар, бош қанишга фурсат тополмасдим.

Ўша йиллари саргузашт излаб уйдан чиқиб кетдим. Мен қочиб кетмадим, шунчаки иссиқ ўрнимни тарк этдим. Кўрфазга тушиб денгиз чиганоғини оловчи қароқчиларга қўшилдим. Қароқчиларнинг ҳам омадлари чопавермас, агар қўлга тушсан, нақд беш юз йилга зиндонбанд этилардим. Кейинроқ шунгага мат-

эзим. Чарчаганимга қарамай ярим кечаси очерк ёзишга киришдим ва токи икки мингта сўзни қозога туширмаганимча бош кўтармай ёзавердим. Аммо мавзуни тугата олмадим. Эртасига тунда ҳам қўлимга қалам олиб, кўзим омилиб кетай деса-да яна икки мингта сўзни битдим. Учунчи тундагина ёганимни таҳрир қилиб, танлов шартларига мувофиқлаштирдим. Биринчи ўрин менга насиб этди. Иккинчи ва учинчи ўринларга эса Стэнфорд ҳамда Беркли университетлари талабалари лойиқ деб топилди.

Танловда ғолиб бўлганим ёзувчилик ҳақида жиддийроқ ўйлаб қуришимга сабаб бўлди. Лекин ташвишларим бошимдан ошиб ётарди, адабий фаолиятни кейинроққа суриб қўйдим. Ўша пайтда "Колд" учун ёзган бир мақоламни ҳам таҳрир этганимди.

Бутун бошли Кўшма штатларни Калифорниядан тортиб Бостонгача кезиб чиқдим. Тинч океани соҳилларига Канада орқали ўтар эканман, дарбадарлигим учун панжара ортида ўтириб чиқишимга тўғри келди. Жаҳонгашталардан орқитирган тажрибам мени социалистга айлантирди. Меҳнатнинг таги роҳатлигини аллақачонлар тушуниб етгандим. Меҳнат – бу ҳамма нарса. Меҳнат – бу нажот. Ўша оғир иш кунидан сўнг қалбим қанчалик фаҳр туйғусига тўлиб-тошганини тасаввур ҳам қилолмайсиз.

Капиталистлар эксплуатация қилган ёлланма қўллар ичида мен энг фидоийси эдим. Бир сўз билан айтганда, менинг шодмон шахсиятпарастлигим собитдамак буржуазия одоб-ахлоқининг асири эди. Фарбдан, қайсики одамлар арзонгаров сотиладиган, ишнинг ўзи хожасини излаб юрадиган макондан кишилар тилларини осилтириб зир югурганча иш ахтариб юрадиган Шарқий штатларнинг аҳолиси зич ишчи марказларига бориб қолдим. Бу манзаралар мени ҳаётга умуман бошқача кўз билан қарашга мажбур этди. Мен ахлатхоналардаги, жамият жарлиги тубидаги ишчиларни кўрдим. Шунда ҳеч қачон оғир жисмоний меҳнат қилмасликка, ўта зарур бўлгандагина бу билан шугулланишга ўзимга ўзим сўз бердим. Ўшандан бери оғир жисмоний меҳнатдан ўзимни олиб қочаман.

Оклендга қайтиб ўрта мактабни тугаллаётганимда ўн тўққизга эдим. Ҳар ойда мактаб журнали чоп этиларди. Журналга ўз хикояларини тақдим этдим. Хикояларимда денгиз сафарлари ва жаҳонгашталликда бошимдан кечирганларимни ёздим. Ўқиш билан бирга тунги дарбонлик ҳам қилардим. Устига устак социалистлик қарашларим ҳам кенгайиб "социалист йиғитча" деган лаҳабни орттириб олгандим. Бунга сабаб кўчалардаги намоийшларда иштирок этганим учун ҳибсга олинганим бўлди. Кейин Калифорния университетига ўқишга қабул қилиндим. Олий маълумотли бўлиш бахтидан мусово этилишни сира истамасдим. Кирхонада ишлаб, қолаверса адабий фаолият билан шугулланиб нон топа бошладим.

Меҳнатга бўлган иштиёқим қанчалик юқори бўлмасин, ўзим учун белгилаган вазифаларим жуда мушкул эди ва ярим йил ўтар-ўтмас университет билан хайрлашдим.

Мен ҳамон кирхонада кийим дазмонлаб, бўш қолдим дегунча қўлимга қалам олардим. Лекин кўнчинча қўлимда қалам билан ухлаб қолардим. Кирхонадан ҳайдалганимдан сўнг ўзимни тўлиқ адабий фаолиятга бағишладим. Қўлёмаларим устида уч ой ўтириб, мендан ёзувчи чиқмайди, деган қарорга келдим ва олтин излаб Клондайкка йўл олдим. Бир йил ўтмай хасталаниб қолганим боис ватанга қайтишим лозим бўлиб қолди. 1900 миля масофани денгизда эшак эшиб ўтишга тўғри келди. Клондайк сафарига юрганымда тўсатдан одам вафот этди. Энди оила ташвишлари бор бўйича менинг гарданимда эди. Калифорнияда ишсизлик ҳукм сураар, мен бир чақасиз қолгандим. Иш излаб тоза тентирадим, шу билан бирга "Дарё бўйлаб қуйиға" номли хикоямни ёзиб тугатдим. Аммо хикоям рад этилди. Ушбу хикоямнинг тақдирини ҳал бўлар экан, йигирма мингта сўздан иборат янги хикоямни ёзиб ташладим. Уни бир газета бир неча сонларда чоп этмоқчи эди. Бироқ газета хикояни яроқсиз деб топди. Шунча рад жавобларига қарамай тинмай ёзавердим. Нихоят Калифорниядаги бир журнал хикояларимдан бирини қабул қилди ва беш доллар қалам ҳақи берди. Шундан сўнг "Қора мушук" номли хикоям учун қирқ доллар таклиф қилди. Шу тарзда ишларим юришиб кетди. Эндиликда мен оила боқиб учун кўмир туширишим шарт эмасди.

1900 йили биринчи китобим дунё юзини кўрди. Газетада ишлаб оила тебратсам бўларди, лекин бу вақтни зое кетизувчи машинанинг қўлига айланб қолмаслик учун етарлича соғлом фикрга эга эдим. Бўлажак адибларни, ҳали улар донгдор эдиб бўлиб етишмасларидан аввал, айнан газета таназзулга олиб боради, деб ҳисоблайман. Ўзимни журнал ҳодими сифатида синаб кўрганымдан сўнг газеталар учун ёза бошладим. Мен интизом билан ишлаш тарафдориман ва ҳеч қачон илҳом парисини кутиб ўтирмайман. Фейл-автор жихатидан нафақат лоқайд ва тартибсиз, балки бироз дилгирроқман. Лекин мен ўзимдаги бу иллатларни енга олдим. Мен зўр спорт иштибозиман. Мунгазам равишда бокс, қиличбозлик, сузтиш, олд спортни билан шугулланаман. Гарчи шаҳарда туғилган бўлсам-да, чекка-чекка масканларни хуш кўраман. Энг яхшиси, қишлоқда ҳаёт кечириш. Ўша ердагина табиат билан ошно бўласан. Агар бесамар ўтган ўсмирлигимга қайта олганимда эди жон деб мусиқа билан шугулланган бўлардим. Ўзимнинг энг яхши асарларим деб "Оқсоқоллар иттифоқи" ва "Кэптон Уэсс мактублари"дан баъзи бир сатрларни айтишим мумкин. Айтгандай "Оқсоқоллар иттифоқи" баъзи бировларга ёқмайди. Улар ёрқинроқ, қувноқроқ асарларни афзал қўришади. Ёшим бир жойга бориб қолганда, эҳтимол, мен ҳам уларнинг фикрига қўшиларман.